

Хаётимиз манбаи саналган Куръон инсонни хакикий хаётга йўналтирувчи ва ёмон хаётдан кайтарувчи амрлар беради. Эзгу ишларга даъват этишига кўра, «амри маъруф» дейилганидек, ёмонликлардан кайтаришига кўра, «наҳйи мункар» дейилади. Шу тарика маъруф сўзи ақл ва хакикат кабул қилган яхшиликни билдиради.

Аллох Таоло солих бандаларнинг яхши амаллар қилишга буюриб инсонларга ўғит беради. Оли Имрон сурасининг 114-оятда:

«(Улар) Аллохга ва охират кунига иймон келтирадилар, яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан кайтарадилар ва хайрли ишлар сари шошиладилар. Айнан улар солих кишилардандир», деб марҳамат қилинади. Оятда Аллох йўлида мунтазам савоб ишлар қилган кишилар макғалиб, уларнинг солих ва суюкли бандалар экани таъкидланади.

Аллох Таоло Лукмони Ҳаким тилидан Лукмон сурасининг 17-оятда шундай марҳамат қилади:

«Эй, ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан кайтар хамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир».

Тавба сурасининг 112-оятда:

«(Улар) тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, хамд (шукрона) айтувчилар, саёҳатчилар, рукуъ этувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюрувчилар, ёмонликдан кайтарувчилар ва Аллохнинг худуди (буйруқлари)ни риоя қилувчилардир. Мўминларга (Аллохнинг мукофотлари хақида) хушхабар беринг!» деб марҳамат қилинади. Хар бир мўмин Аллохнинг мукофотига ноил бўлиши учун юкоридаги ҳолатларга риоя қилиши лозим. Шунда саодат ва қутулишга юз тутган бўладилар.

Аллох таоло Оли Имрон сурасининг 104-оятда:

«Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир», деб марҳамат қилади. Жамиятнинг саодати мана шундай яхшиликка буюрадиган ва ёмонликдан кайтарадиган инсонларнинг хатти-ҳаракатлари билан мумкин бўлур. Ёмон инсонлар кўпайиши, яхши инсонларнинг қамайиши эса жамиятнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади.

Оли Имрон сурасининг 110-оятда Ҳак таоло мўминларга:

«Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳйи мункар қиласиз ва Аллохга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоблар (хам) иймон келтирганларида эди, ўзлари учун яхши бўлур эди. Улар орасида (Мухаммадга иймон келтирган) мўминлари хам бор, кўпчилиги эса фосиклардир», деб билдиради.

Аъроф сурасининг 157-оятда эса:

«Улар саводсиз элчига – исми ўзларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган Пайгамбарга (Мухаммадга) эргашадилар. У (Пайгамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қай-таради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади хамда уларнинг юқларини ва устиларидаги кишан (кийинчилик)ларини олиб ташлайди.

Бас, унга иймон келтирган, уни улуглаган, унга ёрдам берган ва у билан бирга нозил килинган нур (Куръон)га эргашганлар, айнан ўшалар (охиратда) нажот топувчи кишилардир», деб марҳамат килади.

Аллох Таоло билдирган бу ояти карималар инсонлар учун хаётий дастурдир. Жамиятлар уларга амал килиб, саодатга ва саломатга эришадилар. Инсонлар факатгина ўзларини кутқариш учун эмас, бошқа инсонларни ҳам Хакка даъват қилиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Агар улар яхши ишларни қилиб, ёмонликлардан бошқаларни ман этмасалар, уларнинг ибодатлари қийматга эга бўлмайди, Аллох таоло бундай қавми ёмонликка юз тутдиради.

Лут қавми ҳалок бўладиган кеча ўша пайтдаги обидлар таҳажжуд намозини ўқиш билан машғул эдилар. Фаришталар Робларига мурожаат қилиб: «Ё Раб! У ерда ибодат қилаётганлар ҳам бор», дейишди. Аллох Таоло буюрди: «Улар ёмонликка кўз юмдилар, ислох қилмадилар». Кўришиб турибдики, ҳар бир мўмин банда ўзи солих амал қилиш баробарида бошқаларни ҳам бу йўлда ислох этишлари лозим. Шунда жамият саломатга эришади.